

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

---

2022-yil 24-may

Marg'ilon shahri

**1. Loyihaning raqami:** UE03862604.

**2. Loyihaning turi:** Pudrat shartnomasi.

**3. Loyihaning nomi:** Bo`lim tasarrufidagi 5-umumiy o`rta ta`lim maktabi binosini joriy ta`mirlash va jihozlash ishlari uchun loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlab berish xizmatini bajarish haqida.

**4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:**

Loyiha, Marg'ilon shahar xalq ta`limi bo`limi (buyurtmachi) va "VODIY MAXSUS LOYIHA" MChJ (pudratchi) tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 24-may kuni dasturga kiritilgan.

**5. Loyiha yuzasidan huquqiy xulosa:**

Marg'ilon shahar xalq ta`limi bo`limi (buyurtmachi) va "VODIY MAXSUS LOYIHA" MChJ (pudratchi) o`rtasida tuzilayotgan loyiha-smeta ishlarni bajarish haqidagi shartnomaga loyihasida (summa: 22000000 so`m) ko`rsatilgan munosabatlardan O`zbekiston Respublikasining «Xo`jalik yurituvchi sub`ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to`g`risida»gi Qonuni va Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi hamda shartnomada nazarda tutilgan taraflarning javobgarligi va nizolarni xal etish tartibi yuqorida zikr etilgan qonunchilik talablariga mos keladi. Qayd etilganlarni inobatga olib shartnomani tuzish **maqsadga muvofiq**.

**Marg'ilon shahar YuXK markazi  
bosh yuriskonsulti,  
2-darajali yurist**



**A.A.Usmonov**

# ЛОЙИХА-СМЕТА, ПУДРАТ шартномаси № 22927

2022 йил “24” май

Марғилон шаҳри

Кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “VODIY MAXSUS LOYIHA” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Л.Комилов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими** номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Г.Н.Каюмова иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692-моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига ҳамда буюртмачининг топшириғига асосан қуида кўрсатилган ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаришни ўз зиммасига олади.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

### 2.1.

т/п №	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Бўлим тасарруфидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ва жихозлаш ишлари учун лойиха ҳужжатлари тайёрлаб бериш	Ҳизмат	1	20 000 000.00	20 000 000.00
2	Бўлим тасарруфидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ва жихозлаш ишлари учун тайёрланган лойиха ҳужжатларини "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" Давлат унитар корхонасидан экспертизадан ўтказиб бериш ҳизмати	Ҳизмат	1	2 000 000.00	2 000 000.00
X	Жами:	x	x	x	22 000 000.00

2.2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «24» майдаги танлов ҳайъати йиғилишининг баёнига асосан жорий нархларда **22 000 000 (Йигирма икки миллион)** сўмни ташкил этади.

2.3. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 5 календарь кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “30” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **3. Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

### **4. Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

### **5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилади.

### **6. Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

## **7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликкни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнida лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласди. Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқшлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласди. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласди.

## **8. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## **9. Кафолатлар**

9.1. Пудратчи барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди.

## **10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айrim босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари

ишиларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур кўшимча ишларни бажариши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида обьектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ заар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## **11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар**

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## **12. Низоларни ҳал қилиш**

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **13. Шартномани бекор қилиш**

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолларда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хulosса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

#### 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фазначилик бўлинмасидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил “31” декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Ҳар бир нусха бир хил ва teng юридик кучга эга ҳисобланади.

#### 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

«VODIY MAXSUS LOYIHA» МЧЖ  
(иши бажарувчининг номи)


Манзил: Фарғона шаҳар, Университет кўчаси  
37-йй  
Тел./факс: +99890-781-77-75  
х/в: 2020 8000 7052 4283 4001  
Банк номи: "Ипак йули" АИТ банкининг  
Фарғона филиали  
МФО: 01168  
СТИР: 307496880

Марғилон шаҳар ҳалқ таълими бўлими  
(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар  
Туркистон кўчаси 263-йй  
Тел./факс: + 998916762178  
ш/х\*: 401 722 860 304 127 092 100 075 007  
СТИР: 200 140 081 ОКОНХ: 97600  
Молия Вазирлиги Фазначилиги  
Фазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент  
МФО: 00014 СТИР: 201 122 919



Рахбар:



Л. Комилов



Г.Н. Каюмова